

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





5. Рубинштейн, С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер, 1998. - 705 с.
6. Русалов В. М. Биологические основы индивидуально-психологических различий. - М.: Паука, 2011.
7. Симонов, В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя. - М., 1995. - 290 с.
8. Стреляу Я. Роль темперамента в психологическом развитии. — М.: Прогресс, 2002.
9. Теплов Б.М. О понятиях слабости и инертности нервной системы /Отв. Ред. Э.А. Голубева, Е.П. Гусева. Серия: Памятники психологической мысли. - М.: Наука, 2004.



Собирова Дилафруз Абдурашиқовна,
Бухоро давлат университети "Психология" кафедраси доценти, Халқаро
Психология Фанлари Академияси мухбир аъзоси

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИДА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ОМИЛЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада тиббиёт ходимларининг ижтимоий компетенциясининг илмий-назарий асослари ҳамда унга таъсир қилувчи омилларнинг ўрни ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий компетенция, социал-психологик компетентлик, идентификация, рефлексия, альтруизм.

Аннотация: В данной статье освещаются научные и теоретические основы социальной компетентности медицинских работников. а также роль и значение факторов влияющих на нее.

Ключевые слова: социальная компетенция, социально-психологическая компетентность, идентификация, рефлексия, альтруизм.

Annotation: This article highlights the scientific and theoretical foundations of the social competence of health workers and the role and importance of the factors influencing it.

Key words: social competence, social-psychological competence, identification, reflection, altruism.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ва сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш" каби вазифалар белгиланган¹. Бу вазифаларни бажаришда тиббиёт ходимларини касбий компетентлигини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан, тиббиёт ходимларининг психологик компетентлигини ошириш, уларнинг шахсий фазилатларини рўёбга чиқариш, психокоррекцион усуллар орқали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766). – 70 модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 38.



фаолият самарадорлигига бевосита таъсир этувчи социал-психологик компетентлик омилларини шакллантириш долзарб муаммо сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Мамлакатимиз олимларидан Б.Қодиров, Д.Мухамедова, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Ш.Баратов, З.Нишонова, А.Жабборов, М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Ш.Абдуллаевалар ўз тадқиқотларида социал-психологик компетентлик омилларининг касбий компетентликка таъсири, ўрни ва аҳамиятини таъкидлаб ўтишган. Уларнинг тадқиқотларида касбий компетентликка таъсир қилувчи шахснинг муомала маданияти, муомаланинг касбий фаолиятни бошқаришдаги роли, мустақил фикрлаш, ҳамкорлик ва шахслараро муносабатларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган социал-психологик компетентлик омиллари тадқиқ қилинган[4].

Биз тиббиёт ходимлари фаолиятида социал-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланиши муаммосини йиллар мобайнида учта катта босқичда олиб бордик.

Биринчи (пилотаж) босқичида танланган ва модификация қилинган тадқиқот методларини синаш мақсадида тадқиқотлар ўтказилди; тадқиқот-синовларда аниқланган камчиликлар асосида муаллиф услубини тузатиш ишлари олиб борилди ҳамда айрим тадқиқот методларини йўриқномаси ва мазмуни такомиллаштирилди ва эмпирик тадқиқот ишлари ўтказилди.

Иккинчи босқичда адекват мулоқотчанлик, адекват эмоционал муносабат, коммуникатив компетентлик, ижтимоий-психологик мослашувчанлик каби тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигининг мезонлар тизими ва ижтимоий идентификация, ижтимоий перцепция, ижтимоий рефлексия, альтруизм ва ижтимоий адаптация сингари социал-психологик компетентлик омилларини аниқлаштириш мақсадида Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларида жойлашган тадқиқот базаларида экспериментал ишлар ўтказилди.

Учинчи босқичда соғлиқни сақлаш тизимида ҳамда тиббиёт ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилди.

Жадвал № 1.

Тадқиқот объектлари сони ҳақида умумий маълумот

	Тиббиёт ходимлари	5 йилгача ва ундан кўп иш стажига эга бўлган тиббиёт ходимлари	10 йилдан кўп иш стажига эга бўлган тиббиёт ходимлари	Жами
1	Эркак тиббиёт ходимлар	220	231	451
2	Аёл тиббиёт ходимлар	258	211	469
	Жами	478	442	920



Ушбу тамойилларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимининг қуйидаги тиббиёт ходимлари тадқиқот объекти сифатида иштирок этдилар:

- Беш йилгача иш стажига эга бўлган тиббиёт ходимлари;
- Ўн йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган тиббиёт ходимлари.

Жадвал № 2.

**Тадқиқот объектлари сони ҳақида умумий маълумот
(Умумий таҳлил учун)**

	Объектлар	N=920	5 йилгача ва ундан кўп иш стажига эга бўлган тиббиёт ходимлар	10 йилдан кўп иш стажига эга бўлган тиббиёт ходимлар	Эркак тиббиёт ходимлар	Аёл тиббиёт ходимлар
Бухоро вилояти						
1	Вилоят касалхонаси	160	86	74	76	84
2	Шаҳар касалхонаси	138	70	68	66	72
3	Бухоро туман касалхонаси	132	68	64	64	68
	Жами:	430	224	206	206	224
Қашқадарё вилояти						
4	Вилоят касалхонаси	128	68	60	60	68
5	Шаҳар касалхонаси	112	58	54	57	55
	Жами:	240	126	114	117	123
Навоий вилояти						
6	Вилоят касалхонаси	140	68	72	70	70
7	Шаҳар касалхонаси	110	60	50	58	52
	Жами:	250	128	122	128	122
	Барча тиббиёт ходимлари	920	478	442	451	469

Бизнинг тадқиқотимиз мақсади соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритувчи тиббиёт ходимларини касбий фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи социал-психологик компетентлик омилларини ўрганишдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, ўз олдимизга бир қанча мақсадларни аниқлаб белгилаб олдик.

Шу нуқтаи назардан тадқиқотнинг қуйидаги йўналишлари белгиланди:

1. Юқорида келтирилган илмий мушоҳадалар тиббиёт ходимлари фаолият самарадорлигига таъсир қилувчи социал-психологик компетентликни ижтимоий-психологик муаммо сифатида талқин қилишни тақозо этгани боис, мавзуга оид илмий адабиётларни таҳлил қилиш, системалаштириш, шу асосда социал-психологик компетентликка таъсир қилувчи компонент ва омилларни аниқлаш.

2. Тадқиқотнинг иккинчи йўналиши сифатида аллақачон жаҳон илғор илмий психология оламида машҳур бўлган методикалардан тадқиқот мазмунини очиб беришга хизмат қилувчи айримларини танлаш, тадқиқот мақсадига мослаштириб уларни амалиётда қўллаш жараёни танланди ва тизимлаштирилди. Албатта, ҳар бир қўлланилган методика қўшимча усуллар билан биргаликда тиббиёт ходимлари социал-



психологик компетентлик кўрсаткичлар кўлами ҳақида эмпирик маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

3. Тадқиқотнинг учинчи йўналиши қилиб тиббиёт ходимларидаги социал-психологик компетентлик ҳамда уларнинг социал интеллекти, эмоционал интеллекти кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни тадқиқ қилиш жараёни олинди. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлик жараёнларини муваффақиятли кечишида муҳим хусусият саналган шахслараро муносабатни тўғри ташкил этиш, инсонлар билан тез тил топишиш, муҳитга тез мослашувчанлик, мулоқот-мандлик, ижтимоий дадиллик ва етуклик, ҳиссий барқарорлик каби омилларни намоён этилишидаги ўртача умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичларни таҳлили ҳам ушбу жараёнга киритилди. Шу нуқтаи назардан социал-психологик компетентликнинг – тиббиёт ходимлари касбий компетентлигини таъминловчи муҳим омил сифатидаги функцияларини алоҳида тадқиқ қилиш, уларни социал интеллекти ва социал-психологик компетентлиги ўртасидаги корреляцион муносабатларга илмий изоҳлар бериш тадқиқотимизнинг вазифаларидан бири қилиб белгиланди.

4. Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва ушбу дастур самарадорлигини тажриба ва назорат объектларида синовдан ўтказиш вазифаси асос қилиб олинди.

5. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини ривожлантириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мазкур якуновчи босқичи қилиб белгиланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги шаклланишини намоён этувчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлар кўламига баҳо бериш билан бирга, бу жараён учун характерли бўлган социал-психологик компетентликни тиббиёт ходимлари касбий фаолият самарадорлигига таъсирини аниқлаш, аниқроғи илмий таҳлиллар асосида уларга баҳо бериш масаласи ҳам тадқиқотимизнинг тўлақонли бўлишини таъминловчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотимизнинг якунида танланган тажриба ва назорат объектлари мисолида тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва унга илмий изоҳлар бериш масаласини қўйиш режалаштирилди. Чунки, бугунги кунда тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини ўрганмай туриб, унинг фаолият самарадорлигига таъсирини етарли даражада башорат қилиб бўлмайди.

Умуман, ҳар бир олиб борилган илмий услубий ишланмалар илмий психологияда қабул қилинган математик–статистик таҳлил мезонлари асосида расмийлаштирилиб, керакли илмий-амалий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилди.

Биз ўз тадқиқотимизда социал-психологик компетентлик самарадорлигини у ёки бу даражада белгиловчи ижтимоий-психологик ёндашувга асосланган тиббиёт ходимларида социал-психологик компетентлик мезонлари тизимини ишлаб чиқдик ва шу тизим асосида ҳар бир тиббиёт ходими социал-психологик компетентлик самарадорлигини ўргандик, таҳлил қилдик ва шу асосида тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик [5].

. Маълумотларнинг бирламчи қайта ишланиши

Тест талаблари асосида ҳар бир респондент учун характерли бўлган (ёки эмпирик жиҳатдан тўпланган) баллар миқдори аниқланади.

Аниқланган шартли баллар миқдори тест шкаласидаги калитлар бўйича жойлаштирилади.

Ҳар бир объект респондентларидан олинган баллар миқдори ўртача умумий кўрсаткичлар мажмуасига бирлаштирилиб, ўртача-умумий фоизлар миқдорининг типик кўринишлари белгиланади.



Хар бир эмпирик жиҳатдан ўрганилган объектлар учун характерли бўлган оралик диапазонлари ҳамда умумий кўрсаткичлар кўлами қиёсий тарзда таҳлил қилинади.

Маълумотларнинг иккиламчи қайта ишланиши

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари мисолида олинган шахс типлари кўрсаткичлари махсус корреляцион таҳлил талаблари асосида қайтадан кўриб чиқилади ва махсус белгиланган жадвалларга киритилади.

Мавжуд эмпирик маълумотлар ўртасидаги корреляцион боғланиш натижалари ва маълумотларнинг валидлиги, ишончлилик қиймати махсус қабул қилинган статистик мезонлар ёрдамида қайтадан кўриб чиқилади. Натижалар SPSS дастури талабларига мос равишда тақдим этилади.

Йиғилган кенг кўламли маълумотларнинг математик-статистик натижаларига таяниб тадқиқот мақсадида мос умумий қонуниятлар аниқланади ва шу асосда тегишли эмпирик хулосалар чиқарилади.

Жадвал № 3.

Тиббиёт ходимларида социал-психологик компетентлик кўрсаткичларини аниқлаш мезонлари (N=920)

	Мезон	Методика	Натижа
1	Адекват мулоқотчанлик	Гильфорд шкаласи бўйича	Мулоқотчанлик даражасининг намоён бўлиши
2	Адекват эмоционал муносабат	Холл шкаласи бўйича	Эмоционаллик даражасинанг намоён бўлиши
3	Коммуникатив компетентлик	Куницына шкаласи бўйича (КОСКОМ)	Социал-психологик компетентлик даражасининг намоён бўлиши
4	«Ижтимоий-психологик мослашувчанлик (ИПМ)»	ИПС муаллифлик шкаласи бўйича	Ижтимоий идентификация, ижтимоий перцепция, альтруизм, ижтимоий адаптация, ижтимоий рефлексия даражасинанг намоён бўлиши

Биз тиббиёт ходимлари фаолиятида социал-психологик компетентликнинг намоён этилиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш мақсадида «Ижтимоий-психологик мослашувчанлик (ИПМ)» муаллифлик сўровномасидан фойдаландик. Ушбу сўровномада тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлик омиллари қуйидаги бешта яъни «ижтимоий идентификация», «ижтимоий перцепция», «ижтимоий рефлексия», «альтруизм» ва «ижтимоий адаптация» мезонлари бўйича аниқланди (1- расмга қаранг).



Расм № 1.

Тиббиёт ходимларида социал-психологик компетентлик омилларини тадқиқ этиш тузилмаси

Олиб борилган илмий-назарий таҳлиллар, бугунги кунда социал-психологик компетентлик муаммоси, ўзининг назарий-методологик базасига эга эканлигини кўрсатса-да, айнан мавзу доирасидаги тадқиқотларнинг етарли эмаслиги ва долзарблигини кўрсатмоқда. Бу эса тиббиёт ходимларида социал-психологик компетентлик билан унинг омиллари орасидаги корреляцион муносабатлар тизимини таҳлил қилишни, тиббиёт ходимлари фаолиятида адекват мулоқотмандлик, адекват эмоционал муносабат ва коммуникатив компетентлик каби компонентларнинг етакчи ички психологик механизм сифатидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилишни тақозо этади. Юқоридаги илмий таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидагича хулосаларни келтириш мумкин.

1. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини ижтимоий муаммо сифатида ўрганиш, ижтимоий идентификация, ижтимоий перцепция, ижтимоий рефлексия, альтруизм, ижтимоий адаптация каби касбий фаолиятга хизмат қилувчи омиллар ҳақида батафсилроқ илмий хулосалар юритиш имконини беради.

2. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини ўрганиш учун, аввало уларни социал интеллект билан эмоционал интеллект, адекват мулоқамандлиги ва коммуникатив компетентлиги ўртасидаги мутаносиблик ва корреляцион кўрсаткичларни тадқиқ қилиш талаб қилинади. Олинган ҳар бир кўрсаткич ижтимоий психология фани истиқболларини очиб беришга хизмат қилади.

3. Социал-психологик компетентлик ва унинг тиббиёт ходимлари фаолият самарадорлигига таъсирини ўрганиш ва тадқиқ қилиш масаласи ижтимоий-психология учун муҳим бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

4. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини экспериментал ўрганишда психологик тадқиқотларда тажрибадан ўтган методикаларни тизимлаштириш ва касбий камолот даражаси билан боғлаб ўрганиш янги илмий маълумотлар тақдим этади.



5. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлигини фаолият самарадорлигига таъсири ва аҳамиятини тадқиқ қилиш ижтимоий психология фани учун янги илмий маълумотларни тақдим этишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Андреева Г. М. Психология социального познания. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2000;
2. Диагностика социального интеллекта. Тест Дж. Гилфорда и М. Саливана. СПб., 1999;
3. Sobirova D.A. Practical and psychological bases of researching the social intellect of medical attendant. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol.7№3, 2019. (19.00.00. №2).
4. Собирова Д.А. Интеллект как профессионально значимое качество врача //Вестник интегративной психологии. – Ярославль, 2018. №16. – С. 260–263. (19.00.00. №2).
5. Собирова Д.А. Psychological and practical aspects of the social research on the intelligence of the medical staff. //Психология. – Бухоро, 2019. №2. – Б. 28–31. (19.00.00. №5).



Назаров Акмал Мардонович,

Бухоро давлат университети Психология кафедраси доценти,

Нусратова Мехринисо Бахшиллоевна,

Бухоро давлат университети Психология кафедраси
ўқитувчиси,



СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада спортчиларнинг жисмоний-руҳий имкониятлари ривожлантириши орқали шахс камолотини таъминлаш усулларини яратиш тўғрисидаги мулоҳазалар келтирилган.

Таянч сўзлар: психологик муҳофаза, ирода, методология, механизм, индивидуал, компонент, адекват, малака, барқарорлик, мослашувчанлик, қобилият, психоаналитик, феноменал.

Аннотация: В этой статье обсуждаются способы личностного развития за счет развития физических и умственных способностей спортсменов.

Ключевые слова: психологическая защита, воля, методология, механизм, индивид, компонент, адекватность, умение, устойчивость, гибкость, способности, психоаналитическое, феноменальное.

Annotation: In this article, comments are made on the creation of a method for ensuring the improvement of the individual through the development of physical and mental capabilities of athletes.

Keywords: psychological defense, will, methodology, mechanism, individual, component, adequacy, ability, stability, flexibility, ability, psychoanalytic, phenomenal.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларда кўрсатилган вазифаларида ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш» вазифалари белгиланган. Шу нуктаи назардан, спортчи шахсини шакллантириш масаласи психологиянинг, айниқса спорт психологиясининг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Шахсининг ижтимоий-психологик тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини-ўзи ривожлантириб бориши жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Психология нуктаи назардан спортчининг психологик муҳофазаси – спортчи фаолиятининг экстремал шароитларида онги ва хулқ-атворини психологик жиҳатдан ўз-ўзини тартибга солиш усуллари ва механизмлари тизимидир. Психологик



3	Баратов Шариф Рамазонович Психологик хизмат ижтимоий – психологик муаммо сифатида
9	Хусейнова Абира Амановна Ўзбекистонда оилаларнинг мустақамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиланинг ижтимоий функциялари
15	Усманова Манзура Наимовна Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	Собирова Дилафруз Абдурузиқовна Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	Назаров Акмал Мардонович, Нусратова Мехринисо Бахшиллоевна Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари
32	Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Меҳмоноевна Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	Жумаев Улугбек Сатторович Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	Останов Шухрат Шарифович Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	Рустамов Шавкат Шухратович Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	Nazarova Manzura Mustafo qizi Globalashuv jarayonida milliy til omili
58	Ахмедова Заррина Джамиловна Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	Аъзамова Махлиё Абдурахимовна Махаллада психологик хизмат кўрсатишнинг эмпирик асослари
67	Остонов Жасур Шопиржонович Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-атвор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	Собиров Абдулазиз Абдурузиқович Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	Тилавов Мухтор Ҳасан ўгли, Болтаев Суннат Бахтиёр ўгли Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	Рўзиев Умар Музаффарович



	Ўспиринларда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	Ҳакимова Фазолат Хошимовна Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	Ғайбуллаев Алишер Асадович Спортчиларда хиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари
96	Турахонов Абдукарим Эшқузиёвич Касбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	Кулиев Ёркин Каримович Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	Ermatova Gulnoz Pirimovna Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	Қабуллов Қосимбой Пиржонович, Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	Ахмедова Максуда Лочиновна Ўқувчиларда ўзбек мусиқа фольклор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	ҚУТЛОВ
121	Баротова Дилафруз Шарифовна